

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 612.53

ТОЛИПОВА СЕВАРА САИДОЛИМОВНА

**Спортнинг бокс тури билан шуғулланаётган ўқувчиларнинг айрим
морфо-функционал кўрсаткичлари**

5A140101-Биология

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий рахбар:
б.ф.н. доц. Халилов Э.**

Андижон-2013

Мундарижа:

Кириш.....	3-12
I боб. Жисмоний ривожланишга спорт билан шуғулланишнинг таъсири.....	13-16
1. Ўқувчиларнинг суяк тизимини тузилиши ва ривожланиши.....	17-20
2. Ўқувчиларнинг мускул тизимини тузилиши ва ёшга оид хусусиятлари.....	21-25
3. Нафас олиш тизимининг тузилиши, функцияси, ривожланиши ва ёшга оид хусусиятлари.....	26-31
4. Спорт билан шуғулланувчи болаларнинг юрак қон-томир тизимининг тузилиши, функцияси, ривожланиши ва ёшга оид хусусиятлари.....	32-40
II боб. Жисмоний ривожланишни кузатиш усуллари ва кузатиувчилар. Кузатув объектлари ва тажриба методикалари ҳақида маълумот.....	41-45
III Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш.....	46-61
IV Ўқувчилар жисмоний ривожланишининг кузатиш натижалари ва уларнинг таҳлили.....	62-79
Хулоса.....	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81-85

Кириш.

“Спорт-соғлом авлод, соғлом келажак демакдир”. Бинобарин фақат соғлом, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир.

И.А.Каримов

Муҳтарам Президентимиз “Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмоний баққуват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билимли, маданияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади”, деб таъкидлайдилар [1].

Соғлом турмуш тарзини яратиш учун ёшларимиз жисмонан соғлом ва маънан етук бўлмоғи лозим. Соғлом турмуш тарзи кишиларнинг ҳаёт даражаси билан, сиҳат саломатлиги, кайфияти, интилишлари, ишончи, кундалик ўзгаришлар билан, бу ўзгаришлар ҳалқимизнинг эҳтиёжини қай даражада қондириши билан, энг муҳими, ёш авлод тарбиясининг юксак самарадорлигини таъминлайдиган чора-тадбирлар билан боғлиқдир [21].

Соғлом турмуш тарзининг асоси – оила ҳисобланади. Оиланинг фаровонлиги, тинчлиги, жамиятда соғлом наслни етказиб бериш – ёшларнинг кўлида. Ҳар бир ота-она фарзанди туғилгандан бошлаб уни жисмонан тўғри ривожланишига катта аҳамият бермоғи лозим.

Муҳтасар айтганда, ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, соғлом турмуш тарзига асосланган оила – жамият мустаҳкамлиги асоси, жамият мустаҳкамлиги эса-мамлакат барқарорлигини таъминлайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек: „... оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир” [2].

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг 2008 йил 13 апрелдаги ПҚ 1096-сонли “Оила ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури

тўғрисида” ги қарорларининг бажарилиши юзасидан вилоятимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида мухтарам Президентимизнинг 2012 йил, 17-февралдаги қарори билан тасдиқланган Мустаҳкам оила йили давлат Дастурида “Соғлом она-соғлом бола” тамойилига мувофиқ оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилди. Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича тиббий хизмат сифатини ошириш, болалар соғлиғини сақлаш чора-тадбирларини давом эттириш, тиббий ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган болалар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини соғломлаштиришга кўмаклашиш, оилавий тиббиётни ривожлантириш каби бир қатор чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов раислигида 2011 йил, 25-феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди [3].

Бугунги кунда соғлиқни сақлашни ислоҳот қилишга қаратилган қатор қонунлар, қарорлар ва фармойишлар қабул қилинди. Жумладан 1993 йил март ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармасининг ташкил этиши ҳамда бу соҳадаги ташаббускорликнинг рағбатлантириш мақсадида “Соғлом авлод учун, орденининг” таъсис этилиши, 1995 йил 29 августда қабул қилинган “Фуқоролар соғлиғини сақлаш” тўғрисидаги қонун, 1998 йил ноябр ойида қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг “Давлат дастури” тўғрисидаги президент фармони, 1998 йил 1 апрелда “Она ва бола саломатлигини сақлаш, ногирон болалар туғилишини олдини олиш” 140-сонли қарори, 2005 йилда аҳолини соғломлаштириш бўйича давлат дастури ва 2007 йил 29 сентабрдаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги фармони кабилар аҳоли саломатлигини ва соғлом турмуш тарзини яратишга бағишланган қатор ишлаб чиқилган қонун қоидалардир [4].

Аҳолининг соғлиғини тиклаш, ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш ва оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш республикаимизда амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили”, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Она ва бола йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди. Мазкур йилларда Ўзбекистонда маънавий ва жисмоний соғлом, баркамол инсонни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажак оналар ва

туғилажак фарзандлар саломатлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва “Соғлом авлод”, “Она ва бола” давлат дастурлари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Шунингдек, 2008 йил “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар йили” давлат дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурнинг еттинчи бўлимида ҳам ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишини шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган бу тадбирлар ҳар бир оила, аёл, она зиммасига соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда катта маъсулят юклайди.

2010 йил “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган:

“болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:

Енг аввало, соғлом насли, “Соғлом она-соғлом бола” дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлаш устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;

Ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорт соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги

спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар куриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани куриш учун зарур шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан “оммавий маданият” нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чоратadbирларни амалга ошириш”.

Юқорида такидланган масалалар – белгиланган устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифалар теран ва кенг миқёсли, энг муҳими ҳаётий ва долзарб. Уларнинг ҳар бири таъбир жоиз бўлса, ўсиб келаётган авлод камол топиши учун очилган йўл, имконият ва ҳеч шубҳасиз, ёш авлод ҳар томонлама уйғун ривожланиши-чинакамига баркамол бўлишини таъминлашга хизмат қилади [6].

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Истеъдод” жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларни, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссаларини айтиб ўтмоқ жоиз [5].

Ҳар қандай жамиятнинг келажаги унинг ривожланиши ва фаровонлиги ёшларга боғлиқдир. Чунки улар шу жамиятни қурувчилари, унинг эртанги куни, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини асраб қолувчи, ривожлантирувчи ва яратувчиларидир. Шу маънода ёшлар жамиятнинг эртанги куни экан, уларнинг маънавий етук, жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб камол топиши жуда муҳимдир.

Баркамол авлод, комил инсон тарбияси инсоният, барча миллат ва халқларнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари энг мўтабар зиёлилари, маърифатпарвар ва мутафаккирлари ҳисобланганлар.

Умуман олганда, баркамол авлод тарбияси ва ўсмирлар ривожланишида статистик маълумотларнинг аҳамияти жуда катта. Статистик маълумотлар орқали ўсмир ёшидаги болаларнинг соғлом ривожланиши, унда муҳим физиологик ва

ижтимоий-маънавий омиллар изчил равишда ўрганилади. Спорт баркамол авлодни миллий ғурур ва миллий ғоя руҳида тарбиялашда катта рол ўйнайди. Спорт мусобақаларида қатнашиш натижасида ёшлар ўзларининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигини ошириб боради.

Ўсмирлик даври жуда маъсулятли давр ҳисобланади. Бунда келажакда курилажак оила ва бўлажак фарзандлар туғлишига асос солинади. Шундай экан, оила куриш ва соғлом авлод яратиш учун ҳар бир ўсмир қуйидагиларни билиши, уларга амал қилиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Биринчидан. Ўсмирларнинг балоғатга етиш давридаги физиологик ўзгаришларни билмасликлари кўпинча ноҳуш оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳол юз бермаслиги учун ўғил отага, қиз онага маслаҳат сўраб мурожаат қилиши керак.

Иккинчидан. Қиз боланинг жинсий балоғатга етиш ва ҳайз кўриши 12-14 ёшларга тўғри келади. Лекин жинсий балоғатга етиш баъзи ўсмир қизларда эрта, баъзиларида кечроқ бошланиши мумкин. Бу ҳолда ҳар бир ота-она фарзандига дўстона муносабатда бўлиши, ички кечинмаларининг сир асрорларидан уларни воқиф қилишлари лозим.

Учинчидан. Балоғат даврида ўғил болалар қизлар организмида фақат иккиламчи белгиларгина пайдо бўлиб қолмасдан, балки уларда қисман даражада рухий ўзгаришлар, яъни атроф-воқеаларга ўта таъсирчанлик ўзаро меҳр-муҳаббат пайдо бўлиши кузатилади. Ўсмирларни бу вақтда ниҳоятда эҳтиётлаш, уларга нисбатан эътиборни кучайтириш, келажакда фақат жисмонан бақувват ёшларгина эмас, балки руҳан соғлом авлодни юзага келишига сабаб бўлади.

Соғлом авлодни тарбиялаш-буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш демакдир. Соғлом авлодни тарбиялаш икки жиҳат-ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш ва уларни маънавий баркамол этиб вояга етказишни ўзида мужассамлаштиради. Инсон маънавий баркамол бўлиши учун энг аввало жисмонан соғлом бўлиши лозим. Бу оддий ҳол, аммо у жамиятимиз ривожини – келажакини таъминловчи омилдир.

Жисмоний тарбия билан шуғулланиш кишиларни, айниқса ёш авлодни соғлом, баркамол бўлиб вояга етишига, саломатлигини мустаҳкам, руҳиятини яхшилашга олиб келишидан ташқари, кишиларга ҳаётда тўлароқ ва фаолроқ иштирок этишга, ўзларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланишга ҳам имкон беради, ижтимоий фаолликнинг бошқа шакллари ривожланиб боришига ижобий таъсир кўрсатади. Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ёшлар ҳаётини тўғри ташкил этиш, турли зарарли одатлар

ва ёт ғоялардан йироқ бўлиш, уларни тўғри баҳолай олиш имкониятини вужудга келтиради [21].

Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, хурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради, - дейди Юртбошимиз. –Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб, хизмат қилади.

Одам организми ва унда кечадиган жараёнларни ўрганишга бўлган қизиқишим катталиги учун яна ўсмирларни спорт билан шуғулланишини организмга таъсирини ўрганиш мақсадида мен магистрлик диссертациямни “Физиологияси ва спорт соғломлаштириш” кафедрасидан олдим. Турли спорт билан шуғулланувчи болаларнинг морфо-функционал кўрсаткичларини ўрганиб чиқдим. Мен кузатувни Андижон Олимпиа захиралари спорт коллежи 7-8-9-синф (13, 14, 15 ёш) ва 1-,2-,3- (16, 17, 18 ёш) босқич бокс спорт тури билан шуғулланувчи болаларда ҳамда Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 3-ДИМИнинг 7-8-9-синф (13, 14, 15 ёш) ва Андижон давлат Университети қошидаги 3-академик лицейнинг 1-2-3-босқич (16, 17, 18 ёш) болаларида олиб бордим. Кузатувни мен баҳор ва куз ойларида ўтказдим. Бунда менга Физиологияси ва спорт соғломлаштириш кафедрасининг б.ф.н доценти Эргаш Халилов илмий раҳбарлик қилди.

Мавзунинг долзарблиги:

Болалар ва ўсмирларнинг соғлом жисмоний ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада давлатимиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Организмни ўсиши ва ривожланишига жисмоний машқларнинг ижобий таъсирини кўпчилик этироф этган. Андижон вилояти шароитида ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишга спорт билан шуғулланишнинг таъсирини ўрганиш ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади ва вазифалари:

Андижон спорт коллежида спортнинг бокс тури билан шуғулланаётган 13, 14, 15, 16, 17, 18 ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш. Назорат гуруҳлари бўлиб умумтаълим мактаби ва академик лицей ўқувчилари олинди. Кузатув гуруҳларида 25 тадан ўғил болаларнинг бўйи, оғирлиги, кўкрак кафаси айланасининг узунлиги, ўпканинг тириклик сигими, юрак уришлар сони, қон босими ва қўл динамометрияси кўрсаткичлари ўлчанди. Олинган натижалар математик таҳлил қилинди.

Тадқиқот объекти ва предмети:

Кузатувлар Андижон Олимпиа захиралари спорт коллежи ўқувчилари 150 нафари 7-, 8-, 9- синф (13, 14, 15 ёш) ва 1-, 2-, 3- босқич (16, 17, 18 ёш) ўғил болаларида олиб борилди. Назорат гуруҳи сифатида эса Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 3-ДИМИнинг 75 нафар ўқувчиларини 7-, 8-, 9- синф (13, 14, 15 ёш) ва Андижон давлат университети қошидаги 3-академик лицей 75 нафар 1-, 2-, 3- босқич (16, 17, 18 ёш) ўғил болаларида олиб борилди. Тажиба давомида ҳар бир кўрсаткич бўйича олинган натижалар математик жиҳатдан ҳисоб-китоб қилинди.

Тадқиқот услубияти ва услублари:

Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини кузатиш халқаро биологик дастурга асосан ананавий усуллар ёрдамида олиб борилди. Сомотометрик усуллар ёрдамида тана катталиклари: бўйи, оғирлиги ва кўкрак қафаси айланасининг узунлиги ўрганилди.

Сомотометрик кўрсаткичларга организмнинг бўй узунлиги, тана оғирлиги, бош-кўкрак қафаси, бўйин, елка, сон ва болдир айланасининг ўлчамлари киради.

Сомотоскопик кўрсаткичларга эса умуртқа поғонаси, кўкрак қафаси, қўл ва оёқларнинг шакли, шунингдек мускулларнинг қай даражада ривожланганлиги ва жинсий етилиш кабилар киради. Бу кўрсаткич гавданинг ташқи кўринишини кўздан кечириш ёрдамида аниқланади.

Спортчиларнинг чиниққанлик даражасини баҳолашда сомотометрик кўрсаткичлари билан бирга функционал кўрсаткичлардан ўпканинг тириклик сифими, юрак уришлар сони, артериал қон босими, қўл динамометриясини кузатиш муҳим ҳисобланади.

Ўлчаш давомида ўлчовчи шахс ишнинг бажариш тартибига, асбобларни ишлатиш қоидаларига эътибор бериши зарур.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

Спортнинг бокс тури билан шуғулланаётган ўқувчиларни жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини Андижон вилояти шароитида шу вақтгача тартибли ўрганилмаганлиги олинаётган натижаларнинг янгилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:

Олинган натижалар Андижон вилояти шароитида шу ёш гуруҳларини тана катталиклари ва функцияларини ўртача кўрсаткичларини аниқ билиш жисмоний тарбия дарсларини, спортнинг чиниқиш машғулотларини ва мусобоқаларни илмий асосда ташкил қилишда аҳамиятга эга.

Иш тузилиши ва таркиби:

Магистрлик диссертацияси иши 85 бетдан иборат бўлиб: IV боб, 8 та расм, 6 та жадвалдан иборат. Адабиётлар рўйхатида 52 та адабиёт мавжуд бўлиб, ундан 14 таси ўзбек, 38 таси рус тилида ёзилган. Интернет материалларидан фойдаланган.

Хулоса ва таклифларни қисқача умумлаштирилган ифодаси:

Спортнинг бокс тури билан шуғулланаётган ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишнинг ўртача кўрсаткичлари, спорт билан шуғулланиш даврининг ортиб боришига кўра назорат гуруҳлари ўқувчиларига нисбатан ортиб боришида муқаррар фарқ кузатилди. Бу фарқ 15-16 ёш оралиғида яққол кўринди.

I боб. Жисмоний ривожланишга спорт билан шуғулланишнинг таъсири.

Жисмоний машқлар ва спорт турлари билан мақсадга мувофиқ равишда шуғулланишда одам танасининг физиологик қонун-қоидаларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Бажариладиган ҳар қандай жисмоний иш, мускул ҳаракатлари танадаги барча тизим ва аъзолар функциясига фаол таъсир қилади. Масалан, оддий кундалик ҳаракатлар-юриш, чопиш, сакраш, қўл меҳнати ва ҳоказолар, юрак уриши, нафас олиш, моддалар алмашинуви, энергия, қон айланиш, қон босими, ошқозон ичак тизими функцияси каби тириклик фаолиятларини тезлаштиради. Оғир жисмоний меҳнат қилишда эса кузатиладиган бундай функционал ўзгаришлар максимал даражага чиқиб, бу ҳолат организм учун бефарқ бўлиб қолмайди.

Жисмоний тарбия ва спорт кундан-кунга кишилар ҳаётига сингиб кетмоқда, улар билан шуғулланувчилар тобора кўпаймоқда. Бунинг заминида соғлиқ ва саломатликни муҳофаза қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш каби тарбиявий ва сиёсий тадбирлар ётади. Шу сабабли жисмоний машқлар ва мускул фаолиятининг организм тизим ва аъзолари фаолиятига таъсир қилиш сирларини ўрганиш бу соҳадаги ҳар бир ўқитувчи-мураббийнинг асосий вазифаларидан биридир [7, 8].

Жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланиш организм иш қобилиятида, ундаги моддалар ва энергия алмашинувида ҳамда юрак қон-томирлари тизими, нафас

олиш абзолари, овқат ҳазм қилиш абзолари, асаб ва мускуллар тизими фаолиятида бир катор ўзига хос ўзгаришлар келтириб чиқаради.

Бу ўзгаришлар машқ қилиш жараёнида бир хил бўлмасдан, ўз хусусиятларига кўра турли даврларга бўлинади ва қуйида таърифланадиган ушбу даврлар физиологик нуқтаи-назардан бир-биридан фарқ қилади. Улар старт олди реакцияси, разминка, машқ қилишнинг бошланғич қисмида иш қобилятининг қисқа муддатли кучайиши (ишга киришиш), турғун ҳолат, чарчаш ва тикланиш даврларига бўлинади.

Старт олди реакцияси-машқ қилиш ёки мусобақалардан олдин спортчи организмида кузатиладиган меёрий физиологик жараёнларнинг ўзгариши старт олди реакцияси дейилади. У бевосита жисмоний ҳаракатдан олдин ёки бажариладиган жисмоний фаолиятдан анча илгари ҳам юз бериши мумкин. Старт олди реакцияси даврида кузатиладиган физиологик ўзгаришлар турли-туман бўлиб, улар нерв марказларининг қўзғалиш кучида, моддалар ва энергия алмашинувининг тезлигида, юрак уриш частотасида, газлар алмашинувида ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Мусобақа бошланмасдан олдин кузатиладиган старт олди реакциясида юрак уриши минутига 100-130 га чиқиши, кислород ўзлаштирилиши тинч турган вақтда нисбатан 2-3 марта кўпайиши, қон босими бир мунча кўтарилиши мумкин. Бундай ўзгаришларнинг хусусиятлари ҳар кимда ҳар хил бўлиб, кўпинча мусобақа маъсулятига спортчининг тайёргарлигига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Мусобақанинг маъсуляти қанчалик юкори бўлса, старт олди реакцияси ҳам шунчалик кучли бўлади. Старт олди реакциясининг юзага келиш механизми шартли рефлекслар билан тушунтирилади. Стадион ёки мусобақа ўтказиладиган жойларнинг кўриниши томошабинларнинг спорт инвентарларининг мавжудлиги шартли рефлекс асосида юрак уриш, нафас олиш частоталарини тезлаштиради.

Бу ҳолатнинг муҳим амалий аҳмияти ҳам бор, яъни старт олди реакцияси туфайли спортчи организми бўлажак ишга ўзини тегишли ҳолда тайёрлайди.

Старт олди реакциялари уч хил кўринишда бўлади, яъни жанговар тайёргарлик ҳолати, старт олди саросимаси ва старт олди лоқайдлиги.

Жанговар тайёргарлик ҳолати энг қулай, мақсадга мувофиқ ижобий старт олди реакцияси бўлиб ҳисобланад. Бундай ҳолатда марказий нерв тизимида ўртача кучдаги қўзғалиш юзага келади. Натижада ҳаракат ва вегетатив (ички) абзоларда бўлажак ишни амалга ошириш учун муҳим бўлган мақсадга мувофиқ физиологик силжишлар юзага келади. Спортчи бу ҳолатда ўз кучи ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилади, шу боис кўпинча ғалабага эришади. Нафас олиш, юрак уриш тезлиги ўртача бўлади, спортчи ваҳимага тушмайди ва бир вақтнинг ўзида бўладиган ишга бефарқ ҳам

бўлмайди. Жанговар тайёргарлик ҳолати кўпинча доимий равишда оқилона машқ қилиб юрадиган спортчиларда кузатилади. Доимий машқ қилмайдиган ҳамда машқ жараёнида вақт, кучдан оқилона фойдалана олмайдиганларда жанговар тайёргарлик ҳолати кам кузатилади ва жуда юзаки бўлади.

Разминканинг физиологик хусусиятлари - ҳар қандай машқ ёки мусобақадан олдин амалга ошириладиган махсус мускул ҳаракат фаолияти разминка деб аталади ва у спортчи организмини бўлажак ишга тўлиқ тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Бунинг асосий сабаби шундаки, старт олди реакцияларининг бевосита ўзигина бажариладиган жисмоний фаолиятга организмни физиологик ва биокимёвий жиҳатдан тайёрлай олмайди.

Ҳар қандай спорт тури билан шуғулланувчилар амалга оширадиган разминка икки қисмга, яъни умумий ва махсус қисмларга бўлинади. Разминканинг умумий қисми тананда моддалар ва энергия алмашинувини, тана ҳароратини, марказий нерв тизимида қўзғалувчанликни, қон айланиш ва нафас олишни, оптимал суратда кучайтириш мақсадида бажарилади. Шунинг учун ҳам разминканинг ушбу қисми умумий жисмоний машқлар бажариш билан ҳарактерланади (секин-аста югуриш, умумий жисмоний машқлар ва бошқалар). Махсус қисмда эса спортчи асосий ишда бажарадиган хатти-ҳаракатларини енгил-елпи ҳолда бажариши керак. Бундан мақсад танани бўлажак иш хусусиятига уйғунлаштириш, вегетатив ва ҳаракат аъзолари орасида узвий боғланишни юзага келтириш бўлиб ҳисобланади. Кўриб ўтилган разминка қисмларининг давом этиши (бир-бирига нисбатан) спортчининг жисмоний тайёргарлиги, об-ҳаво шароитлари ва бошқа омиллар билан аниқланади.

Разминка туфайли спортчи танасида бир қатор муҳим физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар юз беради, чунончи мускулларда қўшимча капиллярлар очилиб, улар орқали қон айланиши тезлашади, ҳарорат кўтарилади, мускулларда қисқарувчанлик хусусияти кучаяди, нерв марказларининг қўзғалувчанлиги, ферментлар фаоллиги ошади. Қон айланиш ва нафас олиш кучаяди, тўқималар томонидан O₂ ўзлаштирилиши яхшиланади, қон махсус деполардан томирларга чиқади ва ҳоказо.

Разминканинг қандай ва қанча давом этиши спортчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ, уни мураббий билан белгилаб олиш лозим. Одатда у 10-30 мин бўлади. Энг муҳими разминка пайти спортчи чарчаб қолмаслиги керак.

1. Ўқувчиларнинг суяк тизимининг тузилиши ва ривожланиши.

Скелет – мускул системаси таянч-ҳаракатланиш аппаратини ташкил қилади., бу аппарат таркибига скелет-мускуллари ва суяклар киради. Скелет тана учун таянч вазифасини бажаради ва ички органларни механик таъсирлардан сақлайди. Таянч-ҳаракатланиш тизимининг актив қисми уйғунлашган фаолиятини марказий нерв системаси идора қиладиган скелет мускуллари ташкил қилади. Бу одамга мураккаб ва турли ҳаракатлар қилиш, фазода вазиятни сақлаб туриш имконини беради. Мускулларни ривожланиши ўз навбатида суяклар ривожланишига боғлиқ бўлиб, катта ёшли одамда суякларнинг массаси: эркакларда тана массасининг 18% ини, аёлларда 17% ини, янги туғилган чақалоқларда тахминан 14% ини ташкил қилади.

Одам организмида скелет 206 та суякдан иборат бўлиб, улардан 85 таси жуфт суяклар, тоғайлар ва боғламлардан тузилган. Скелет гавда, бош скелети, қўл ва оёқ суякларидан иборат. Суяклар шакли ва функциясига кўра найсимон, калта, ясси ва ҳаво сақлайдиган, аралаш суякларга бўлинади. Суяк тўқимасида тахминан 50% сув, 16% ёғ, 22% минерал бирикмалар ва 12% органик бирикмалар бўлади. Органик ва анорганик моддаларнинг миқдорий нисбати ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкин ва бу суякларнинг эластиклиги ва мустаҳкамлигини ифодалайди. Органик моддалар миқдори қанчалик кўп бўлса, уларнинг эгиловчанлиги ва эластиклиги шунчалик юқори бўлади. Суяклар ўзаро махсус бирикиш жойи – бўғимлар ёрдамида бирикади. Одам организмида 230 та бўғим бўлиб, улар скелетнинг ҳаракатланадиган ҳамма жойида бўлади. Эмбрионал даврида суяклар тўқимасидан ҳосил бўлади, баъзилари бириктирувчи тўқимадан тараққий этади. Булар бирламчи суяклар дейилади. Суякланиш жараёни 4 турга бўлинади.

1.Эндесмал 2. Перихондрал 3. Периостал 4. Энхондрал суякланиш.

Турли хил суякларда суякланиш муддатлари нисбатан доимий. Уларни кузатиб скелетнинг нормал ривожланиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Ички секреция безлари функцияси пасайганда ва айниқса Д витамини етишмаганда суякланиш кечикади ва қалқонсимон без, буйрак усти безлари қобиғининг функцияси ошганда тезлашади.

Болалар суягида катталар суягига қараганда органик моддалар кўпроқ, анорганик моддалар камроқ бўлади. Ёш катталашган сари суякларнинг кимёвий таркиби ўзгаради, улардаги калсий, фосфор, магний ва бошқа элементлар миқдори анча кўпаяди. Суяк тўқимаси таркиби ўзгариши билан суякларнинг физик хоссалари ҳам ўзгаради. Жисмоний машқлар ва меҳнат суякларнинг ривожланишига катта таъсир

кўрсатади. Мускуллар ишининг жадал бориши суяклар ривожланишига имкон беради ва аксинча, мускуллар ишининг сустлашуви суяк тўқимасининг атрофияга учрашига олиб келади [10, 9].

Бош скелети: икки қисмдан мия қисми ва юз қисмидан иборат. Мия қисмида бош мия ва сезги органлари, юз қисмида юқори нафас йўллари, ҳид билиш органлари, овқат ҳазм қилиш системасининг бошланғич бўлимлари жойлашган. Бош системасининг юз қисми суякларининг йиғиндиси юзнинг шаклини ифодалайди. Ўсиш жараёнида унинг шакли ўзгаради. Бола туғилганда суяклари тўла ривожланмаган, ўртасида бириктирувчи парда бўлади ва чақалоқнинг бошчасида суяк билан қопланмаган лиқилдоқ бўлади. Бу лиқилдоқлар аста-секин йўқолиб боради ва у 2 ёшга келиб бутунлай битиб кетади, чоклари эса 4 ёшга келиб битади, калла суяги асоси ва катта энса тешиги 7 ёшга келиб катта ёшли одамдаги доимий даражага етади. 6 ёшдан 8 ёшгача ва 13 ёшдан 15 ёшгача бош скелети юз қисмининг тез ўсиши кузатилади ва юз қиёфаси шаклланади, у кейинчалик деярли ўзгармайди.

Гавда скелети: умуртқа поғонаси ва кўкрак қафасидан иборат. Умуртқа поғонаси 33-34 та умуртқалардан ташкил топган. У скелетнинг таянч вазифасини бажаради, унинг ичидаги орқа мияни химоя қилади ва оёқ қўллар оғирлигини ўз зиммасига олади. У бешта бўлимдан иборат: бўйин, кўкрак, бел, думғаза, дум. Умуртқа поғонаси ўсиб, ривожланган сари тоғай тўқималари суяк тўқималари билан алмашинади, бу аста-секин борадиган жараён. Бўйин, кўкрак, бел тоғай тўқималари 20 ёшга келиб, думғаза 25 ёшда, дум суяклариники 30 ёшга келиб суякка айланади. Умуртқа поғонаси бола ҳаётининг 1-йилида ва 11 ёшдан 14 ёшгача айниқса тез ўсади. Умуртқа поғонасининг ўсиши тахминан 20 ёшда тугалланади. Боланинг умуртқа поғонаси унинг эгилувчанлигини таъминлайдиган хусусиятга эга. Шунинг учун оғир жисмоний иш бажариш тана ҳолатини узоқ вақтгача ўзгартирмаслик болаларда умуртқа поғонасининг қийшайиб қолишига сабаб бўлади. Кўкрак қафаси скелетнинг бир қисми бўлиб, кўкрак умуртқалари қовурғалар ва тўш суягининг ягона системага бирикишидан ҳосил бўлган. 12 жуфт қовурғадан фақат еттитаси тўш суяги билан бириккан, 8-, 9-, 10-жуфтлар 7-тоғай учи билан бириккан, 11- ва 12-жуфтлар эса эркин тугалланади. Бола ўсиш ва ривожланиш жараёнида кўкрак қафасининг шакли ўзгаради. Шу билан бирга кўкрак қафасининг жинсга боғлиқ - шакли ва ўлчамлари ўзгариши кузатилади. Бу кўкрак қафаси айниқса тез ўсадиган балоғатга етиш даврида кўринади. Унинг ўсишига бир қанча омиллар ва тўла қимматли овқатланиш, спорт, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш, қулай гигиеник шароит таъсир кўрсатади. Нафас олишда ўғил болаларни пастки қовурғалари, қиз болаларни эса юқориги

ковурғалари кўтарилади. Кўкрак қафаси айланасида ҳам жинсий фарқ бўлади. Ўғил болаларда 8 ёшдан 10 ёшгача кўкрак қафасининг айланаси бир йилда 1-2 см, 11 ёшдан бошлаб 2-5 см ортади. 11 яшар ўғил болаларда кўкрак қафасининг ўсиши қиз болаларникига караганда секинлашади. Доимо нафасни машқ қилдириб борганда кўкрак қафас айланаси ортиб боради ва юрак томирлар системаси ривожланиб боради.

Қўл скелети: қўл скелетига елка камарининг суяклари (кўкрак ва ўмров), эркин қўл суяклари (елка, билак, тирсак, панжа суяклари) киради. Янги туғилган болада ўмров суяги фақат тўш учининг озгина қисми тоғайли қолган қисми суякли бўлади. Тўш учида суякланиш жараёни 16-18 ёшда ҳосил бўлади. Кўкрак суяги 21-25 ёшда, тирсак суяги 21-24 ёшда суякланиб боради. Кафт усти суяклари 13-19 ёшда, кафт суяклари 12 ёшда, бармоқ суяклари 9-11 ёшда суякланиб боради. Қўл панжасининг суякланиш жараёни бирмунча барвақт тугалланади. Янги туғилган болаларда бармоқ фалангалари ва кафт усти тоғай тўқимасидан иборат бўлиб, суякланиш 7 ёшга келиб яққол кўринади ва 16-17 ёшгача давом этади. Қўл суяқларининг суякланиши 20-24 ёшда тугалланади.

Оёқ скелети: оёқ скелетига чанок камари суяклари, номсиз суяклари ва оёқнинг эркин суяклари сон, болдир, панжа суяклари киради. Катта ёшдаги одамда чанок думғаза билан бирикиб кетган 2 та чанок суяқларидан иборат. Улар олд томондан чов суяклари билан бирикиб, чанокдан чиқиш тешигини ҳосил қилади. Чанок камарини шаклланиши 20-21 ёшда тугайди. Чанокда кўп ички органлар жойлашади ва чанок суяги уларни механик шикастланишидан химоя қилиб туради. Эркак ва аёллар чаноғи шакллари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқ 12-13 ёшда пайдо бўлади. Узок вақт нотўғри ўтириш, тик туриш, оғир юк ташиш, яхши овқатланмаслик ва бошқа ноқулай шароитлар чанок суягини нотўғри букилишига ва ўсишдан орқада қолишига олиб келади. Оёқнинг эркин суяклари 20-24 ёшда, оёқ кафт суяклари 17-21 ёшда, аёлларда 13-17 ёшда бутунлай суякланиб бўлади. Оёқ панжасининг таги гумбаз шаклида бўлиб, тик турганда гавда оғирлиги оёқ панжасини гумбази четларига тушади. Болалар узок вақт тик турганда, юрганда, оғир юк кўтарганда, пошнасиз поябзал кийганда оёқ панжаси гумбази яссиланади. Натижада ясси оёқлик келиб чиқади. Ясси оёқ одам узок масофага юрганда оёғида оғир юк сезади. Оёқ панжасини гумбаз шакли одам юрганда тана турткиларини енгиллаштиради, нерв системасини силкинишдан сақлайди. Қиз болаларда оёқ суяқларининг суякланиши ўғил болаларга нисбатан бир-икки йил тезроқ бўлади [14, 8].

2. Ўқувчиларнинг мускул тизимини тузилиши ва ёшга оид хусусиятлари

Мускуллар организм ҳаётида муҳим ўрин тутди. Марказий нерв системаси юборадиган импульслар таъсирида гавдадаги мускуллар қисқаради, бунинг натижасида скелет ҳаракатга келади ва гавда ёки унинг бир қисми бир жойдан, иккинчи жойга кўчади.

Мускулларда ҳаракат ва сезувчан нервларнинг охирилари жойлашган бўлиб, ҳар бир мускул улар орқали марказий нерв системаси билан боғланади. Ўрта яшар одамнинг скелет мускуллари гавда оғирлигининг 40 % ини, чақалоқларнинг мускуллари эса гавда оғирлигининг 20-22 % ини ташкил этади.

Жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиб турувчи спортчиларда скелет мускулларининг оғирлиги гавда оғирлигининг қарийиб ярмини ташкил қилиши мумкин. Ёш улғайган сари мускулларнинг ҳажми ва оғирлиги аста-секин камая боради. Одам гавдасида 600 га яқин скелет мускуллари бор. Мускул толалари тузилишига кўра, силлиқ мускулларга ва кўндаланг тарғил мускулларга бўлинади. Кўндаланг-тарғил мускуллар, юрак мускуллари ва скелет мускуллар гуруҳидан ҳосил бўлади. Силлиқ мускуллар эса, қон-томир деворларида, ички аъзолар деворида учрайди.

Мускуллар бириктирувчи тўқима билан ўралган мускул толаларидан ҳосил бўлади. Мускул толаларининг қалинлигининг ўзгариши, мускуллар ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилади. Янги туғилган чақалоқларда скелет мускул толаларининг қалинлиги 7-8 мкм, 2 ёшгача 10-14 мкм, 4 ёшгача 14-20 мкм, катта ёшдагиларда 38-80 мкм, спорт билан шуғулланувчиларда 100 мкм бўлади [19].

Мускулларнинг такомиллашуви - гавда мускуллари мезодермадан такомиллашади. Мезодерманинг хорда ва бошланғич мия найчасининг икки ён томонида жойлашган дорсал қисми сегментларга ёки сомитларга бўлинади. Сомитлар ўз навбатида склеротомга ва миотомга бўлинади. Склеротомдан умуртқа устуниси ва скелет ҳосил бўлади, миотомдан мускуллар такомил топади.

Миотомлар кўпроқ вентрал томонга зўр бериб ўсиши туфайли, каттароқ вентрал қисми ва ундан кичикроқ дорсал қисмлари тафовут этилади. Миотомнинг дорсал қисмидан орқа мускуллар такомил этса, вентрал қисмидан гавданинг олд томонида жойлашган вентрал мускуллар такомил этади.

Қўл мускуллари V, VI, VII, VIII ва IX кўкрак соҳасидаги миотомлардан такомиллашади.

Мускуллар нервга бўйсунувчи аъзо ҳисобланади, шунинг учун ҳар бир мускул учида ҳаракат ва сезувчан нерв охирилари бўлиб, улар мускулларни марказий нерв системаси билан боғлаб туради. Ҳаракат нервлари марказий нерв системасида ҳосил бўлган кўзғалишни мускулга етказиб беради, яъни импульсни узатади, натижада мускул

марказий нерв системасининг ҳоҳиши билан қисқаради. Шунинг учун тирик организм мускуллари бўшашган вақтда ҳам доимо сал қисқарган ҳолатда бўлади. Бунга мускул тонуси деймиз. Одам ўлгандан сўнг, мускулларнинг тонуси йўқолади ва бўшашиб кетади. 5-6 соат ўтгач, мускул таркибидаги оксил ивийди ва қотади, натижада мускуллар ҳам қай аҳволда турган бўлса, ўша ҳолда қотиб қолади. Ҳар бир мускулнинг актив қисқарувчи гўштдор қисми, танаси ва икки учи, пай қисмлари бўлади.

Мускулнинг бошланиши ва бирикиши жойларидаги пайлари зич бириктирувчи тўқима-коллаген толаларидан иборат бўлиб, чўзилишга чидамлидир.

Мускуллар шаклига қараб, узун, қисқа, ясси бўлиши мумкин. Узун мускуллар аксари қўл ва оёқларда жойлашган бўлиб, урчуксимон кўринишга эга. Урчуксимон мускулларнинг танаси, бошланувчи қисми ва бириктирувчи қисми, думи фарқ этилади.

Мускулларнинг туркумларга бўлиниши - мускуллар жойлашган ўрнига, шаклига, толаларининг йўналишига, латериал ва медиал жойлашишига қараб қатор туркумларга бўлинади.

Шаклига қараб, узун, қисқа ва сербар мускуллар, тўрт бурчак, юмалоқ, делтасимон, камбаласимон мускуллар тафовут этилади. Баъзи мускуллар бир неча бошли бўлгани учун, кўп бошли мускуллар туркумига киради.

Мускул толаларининг йўналишига қараб, тўғри толали, толалари айланма жойлашган, кўндаланг жойлашган, қийшиқ жойлашган мускуллар тафовут қилинади.

Бажарадиган ишига қараб, мускуллар букувчи, ёзувчи, яқинлаштирувчи, узоқлаштирувчи, айлантирувчи, ичкари ва ташқарига бурувчилар туркумларига бўлинади [20].

Мускулларнинг ёшга оид хусусиятлари - скелет мускулларининг ўсиши, ривожланиши ва шаклланиши 20-25 ёшгача давом этади ва бу жараён нотекис кечиши кузатилади. Энг кўп ўсиб ривожланиш давлари бола ҳаётининг биринчи йилига ва балоғат ёшига тўғри келади. Янги туғилган боланинг мускулларини ҳаммаси бўлади, бироқ уларнинг вазни катта одамникидан 37 марта кам ва бутун танаси вазнини ташкил қилади. Гўдакларда, авваламбор, қорин мускуллари ривожланади, 1-ёшнинг охирига келиб бели ва оёқ-қўлларининг мускуллари сезиларли ўсади.

Ўсишнинг барча давларида мускуллар массаси 35 марта ортади. Жинсий балоғатга етиш даврида мускуллар массаси 35 марта ортади. Жинсий балоғатга етиш даврида найсимон суякларнинг узунлашиши билан бир қаторда мускул пайлари ҳам узунлашади. Бу вақтда мускуллар узун ва ингичка бўлади. 15-18 ёшда мускулни энига ўсиши янада давом этади. Мускулларнинг ривожланиши 25-30 ёшгача давом этади. Болалаларнинг мускуллари катталарникига нисбатан ранги очроқ, нозикроқ ва анча

эластик бўлади. Мускулларнинг тизими ортикча кучланмасдан ишлаши уларнинг хажмини, кучини ва ишчанлигини ортишига олиб келади ва бу, бутун организмни жисмонан ривожланиши учун муҳимдир. Мускул толалари ва мускуллари ичидаги боғловчи тўқима толаларининг энига ўсиши 20-25 ёшга қадар давом этади ва ҳаракат фаоллигининг даражасига ҳамда машқ қилганлигига боғлиқдир. Болалар 7-11 ёшда паст мускул кучига эга бўлади ва куч талаб қиладиган, айниқса, турғун машқлар уларни тезроқ чарчашига олиб келади. Мускуллар кучини энг жадал кучайиши ўғил болаларда 13-14 ёшда, қиз болаларда эса 10-12 ёшда содир бўлади. 18 ёшга келиб мускул кучини ортиши сусаяди ва 25-26 ёшда тўхтади. Турли мускул гуруҳлари кучининг ривожланиши нотекис содир бўлади. Белни букувчи мускуллар кучи 16 ёшда, қўл ва оёқларни букувчи ва ёювчи мускулларники эса 20-30 ёшда максимумга етади. Асосий мускул ишини букувчи ва ёювчи мускуллар амалга оширади. Бола ҳаётининг биринчи йилида букувчилар ёювчиларга нисбатан кучлироқ бўлади. Ҳаётининг 1,5-2,0 ойида бўйиннинг букувчи мускуллар тонуси мустаҳкамлана бошлайди ва бола калласини тик ҳолатда ушлайди.

Одамнинг тўғри туришини букувчи мускуллар таъминлайди ва катта ёшдаги одамда гавда ва оёқларни букувчи мускулларнинг тонуси ёрқин номоён бўлади. Бунинг тўғрилиги, тўғри елкалар, очик кўкрак қафаси, кўтарилган бош, яъни яхши гавда тузилиши ва уни тутиш ҳолати- бу нафақат саломатлик ва чиройилик бўлибгина қолмай, балки юқори ишчанлик қобилияти ҳамдир. Пастга тушган ва эгилган елкалар кўкракнинг ичига тортилиб туриши ўпка вентилятсиясини қийинлаштиради, уларнинг ҳаётий ҳажми камаяди ва организмга кислород етишмай қолади. Бундай ҳолат биринчи навбатда юрак-томир тизими ва бош мия ишига салбий таъсир кўрсатади [18].

Жисмоний машқларнинг суяк-мускуллар системасига ва боланинг қиёфасига таъсири.

Кичик ёшдаги мактаб болаларида (7-11 ёш) мускуллар системаси ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Шунинг учун таянч ҳаракатлантирувчи аппаратларни мустаҳкамлаш учун бу ёшдаги болаларга жисмоний тарбия билан шуғулланиш айниқса фойдалидир.

Жисмоний машқлар таъсирида таянч ҳаракатлантирувчи аппаратлар: суяклар, боғламлар ва пайлар яхши ўсади, эни катталашади ва унда қўшимча ғадир-будирликлар ва қирралар пайдо бўлади. Жисмоний тарбия мускулларни кўпайтиради, уларда сувнинг камайиб, оксилнинг тўпланишига ёрдам беради. Кўкрак қафаси катталашади ва яхши нафас олишга имкон берадиган шаклни олади. Кўкрак қафасининг кўтарилиши ҳолати ортади, бу баъзан 5 см дан ҳам ошади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш боланинг қад-қоматини яхшилайти, унинг суяк-мускул системасининг ривожланишидаги нуқсонларни тузатади, умумий жисмоний ривожланишини тезлаштиради, спортнинг баъзи турлари эса бўйиннинг чўзилишига ёрдам беради. Болаларнинг ҳаракати бирмунча мувофиқлашган ва мустаҳкамланган бўлиб боради.

Спорт билан шуғулланувчи болада юрак уришлар сони ҳамма вақт бирмунча секин бўлади. Юракдан қон-томирларига бир қисқаришда бериладиган қон миқдори спорт билан шуғулланмайдиган шу ёшдаги болаларникига нисбатан икки марта кўп. Жисмоний меҳнат тўқималарда қон айланишини яхшилайти, уларнинг химиявий таркибини ўзгартиради ва уларда энергетик моддалар запасини оширади.

Жисмоний томондан етилган боланинг ташқи кўриниши кўкрак кафасининг келишган шаклда бўлиши, тана оғирлигининг ярмисини ташкил этувчи мускулларнинг (жисмоний ривожланмаган болаларда у учдан бирини ташкил этади) яхши ривожланганлиги билан ҳарактерланади.

3. Нафас олиш тизимининг тузилиши, функцияси, ривожланиши ва ёшга оид хусусиятлари.

Нафас олиш организмнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, организмга кислород киришини, шунингдек, организмдан моддалар алмашинувининг охириги маҳсулоти бўлган карбонат ангидирид гази ва бошқа баъзи бир бирикмалар чиқарилишини таъминлайдиган жараёнлар йиғиндисидан иборат. Нафас олиш қуйидаги жараёнлардан иборат: 1) ташқи нафас олиш – ўпка вентиляцияси; 2) алвеоляр ва қон билан газ алмашинуви – ўпка нафас олиши; 3) газларни қон орқали ташилиши – газлар транспорти; 4) тўқималарда газ алмашинуви; 5) ички ёки тўқима орқали нафас олиш. Тўқима орқали нафас олиш тўқима ҳужайраларининг кислород истеъмол қилишига асосланади ва бу оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, моддалар алмашинувининг охириги маҳсулоти ҳосил бўлиши ва физиологик функциялар амалга ошиши учун фойдаланадиган энергия ажратиш билан ўтади. Бу жараёнларнинг бирортаси бузилса инсон ҳаёти учун ҳавф туғилади.

Ташқи нафас олиш газлар алмашинуви учун мослашган органларда амалга ошади, улар оғиз бўшлиғи, ҳалқум, трахея, бронхлар ва ўпкадан ташкил топган.

Нафас олиш йўллариининг бошланғич бўлими бурун бўшлиғи, ҳисобланади. Бола 10-14 ёшга етгунча буруннинг шакли ўзгаради ва ўлчами катталашади. Бурун бўшлиғида унинг ён юзаларида тўрттадан чиғанок: энг юқориги, юқориги, ўрта ва пастки жойлашган. Энг юқориги чиғанок аста-секин йўқолади, катта одамларда уларнинг сони учта бўлади. Чиғанокнинг орасида йўллар бор. Болаларда улар иккита: юқори ва ўрта йўллар. 9 ёшга келиб учинчи-пастки йўл, 8-9 ёшларга келиб гаймор бўшлиқлари ва пешона бўшлиғи, 6 дан 12 ёшгача асосий қўшимча бўшлиқлар ривожланади.

Бурун-ҳалқум бурун бўшлиғининг давоми ҳисобланади. Бурун-ҳалқумни ўрта қулоқнинг ноғора бўшлиғи билан туташтириб турадиган Евстахий найи тешиги бурун-ҳалқумга очилади. Қулоқ ичидаги босим уни ёрдамида идора қилинади. Бурун ҳалқумда ҳалқумга кириш соҳасида бодомча безлар деб аталадиган халқасимон тузулмалар жойлашган. Бу лимфоид тўқима уюми организмни касаллик қўзғатувчи микроорганизмлардан ҳимоя қилишда ва иммунитет ҳосил бўлишида муҳим аҳмиятга эга. Болаларда бодомча безлар нисбатан тез ривожланади ва тўрт ёшга келиб ниҳоясига етади [8].

Бурун-ҳалқум пастга давом этиб, хиқилдоққа ўтади. У ҳаракатчан бириккан тоғайлардан иборат, энг каттаси қалқонсимон тоғай дейилади. Унинг юқорисида хиқилдоқ устида қопқоғи ва чўмичсимон тоғайлар, қуйироқда узуксимон тоғай ётади. Хиқилдоқ усти қопқоғи овқат ютиш пайтида хиқилдоққа кириш қисмини бекитиб туради.

Янги туғилган болаларнинг оғиз бўшлиғидаги ва ютқинидаги безлар нисбатан катта, хиқилдоғи қисқа, тор, воронка шаклида бўлиб, тоғайлари юмшоқ бўлади. Хиқилдоқ 5 ёшда ва жинсий балоғат ёшида жадал ривожланади. 3 ёшдан қизлар хиқилдоғи шу ёшдаги ўғил болаларникига нисбатан кичраяди ва торая боради. Аёллар хиқилдоғи эркакларникига нисбатан $\frac{1}{4}$ ҳисса кичик бўлади. Хиқилдоқнинг жинсга боғлиқ фарқи 10 ёшда вужудга келади. Товуш ёриғи тор, хиқилдоқ ва товуш бойламлари қисқа бўлади. 5 ёшгача товуш аппарати ривожланиб, кейин товуш бойламлари ва мустақил мускуллар тез ривожланади. Ўғил болаларда 12 ёшдан бошлаб қизларга нисбатан товуш бойламлари узаяди. Шунинг учун ҳам ўғил болалар овози пастроқ бўлади. Трахея катталарникига нисбатан калта ва тор бўлиб, юқориюқда жойлашади. Унинг узунлиги тоғайлар катталиги боланинг ёши ортиши билан ортиб боради [17].

Кичик мактаб ёшидаги болаларда товуш бойламлар калта ва товуш ёриғи тор бўлади. 12 ёшга келиб у катта одамдаги каби бўлади. Қиз бола ва ўғил болаларда

хикилдоқнинг жинсга оид фарқи уч ёшга етгандаёқ пайдо бўлади ва 15 ёшда эркак хикилдоғи белгилари шаклланиб бўлади.

Хикилдоқ трахея томон давом этиб, трахея бўйин олдинги юзаси бўйлаб ўтади ва бешинчи-олтинчи кўкрак умуртқаси сатҳида иккита бронхга бўлинади. У парда билан бириккан тоғай ярим халқаларидан иборат. Трахея ва бронхлар икки томондан киприкли эпителий билан қопланган, у юқорида жойлашган ҳаво ўтказувчи йўлларда қандай функцияни бажарса, шундай функцияни бажаради. Бу органлар махсус секрет ишлаб чиқаради, у химоя функциясига эга, таркибида антивирус ва антибактериал моддалар бўлади. Бу моддаларнинг миқдори камайганда инфекция ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади [8].

Бронхлар иккига шохлангунча трахеянинг узунлиги янги туғилган болаларда 3-4 см, 5 ёшда 5-6 см, 10 ёшда 6,3 см, 15 ёшда 7,45 см, катталарда эса 9-12 см бўлади. Трахеянинг шиллиқ қавати нозик, қон ва лимфа томирлар билан мўл таъминланган бўлади. Шунинг учун ҳам баъзида чанг заррачалари ва микроблар трахея шиллиқ қаватига тез ўрнашиб қолади. Бир ёшгача бронхлар жуда тез ўсади.

Бронхлар ўпка тўқимасига киради. Бу шакл бўйича учи кесилган конуснинг ярим палласига ўхшайдиган жуфт орган. Уларни бир мунча юмалоқлашган учи ўмровлар сатҳидан 2-3 см юқорида жойлашади, сербар ва ботик асослари диафрагмага тақалиб туради. Қовурғаларга ёпишиб турадиган ташқи юзаси кавариқ, юракка йўналган ички қисми эса ботик бўлади. Ҳар қайси ўпканинг ботик юзаси ўртасида чуқурча бўлиб, у ўпка дарвозаси дейилади, дарвоза орқали унга бош бронх, ўпка артерияси, нерв толалари, бронхиал артерия киради ва ўпка веналари, лимфа томирлари чиқади. Бу барча органлар биргаликда ўпка илдизи дейилади. Чап ўпканинг ички юзасидан куйироқда юрак тегиб туриши натижасида ҳосил бўлган сезиларли ўйиқ- юрак катаги кўриниб туради.

Ҳар бир ўпка сероз парда-плевра билан қопланган, у ўпка илдизи соҳасида кўкрак бўшлиғининг ички юзасига ўтиб плевра халтасини ҳосил қилади. Унда сероз суюқлиги бўлади, ҳаво мутлақо бўлмайди. Чап ва ўнг ўпкадаги ёриқлар ўпкани бўлақларга бўлиб туради, натижада чап ўпка учта, ўнг ўпка эса иккита бўлақдан иборат бўлади.

Болалар ўпкасининг ривожланишида миқдор ва сифат ўзгаришлар кузатилади. Ўпканинг алвеоляр ҳажми катталашади, тоғайсиз бронхлар-бронхиолалар ўсади, 6-7 ёшга келиб, уларнинг массаси 8 марта, 13-14 ёшга келиб 10 марта ортади.

Янги туғилган болани кўкрак қафаси конуссимон шаклда бўлади. Тинч ҳолатда нафас олиш, уларда диафрагмали бўлади, лекин қичқирган пайтда қовурғалараро

мушаклар ҳам иштирок этади. Болаларда, айниқса, балоғат ёшида кўкрак қафаси ўлчамлари, нафас олиш мускуллари жадал ривожланади, диафрагма юқориюк жойлашиб, натижада пастга туша бошлайди. Янги туғилган қиз ва ўғил болалар қорин типиди, яъни асосан диафрагма мускули қисқариши ҳисобига нафас олади. Кўкрак қафасининг юқори қисми жуда кам ҳаракатланади. 3-7 ёшдан бошлаб кўкрак типиди нафас вужудга келади, катталарникига қараганда тез ва юзаки бўлади. Боғча ва кичик мактаб ёшидан бошлаб нафас олиш аста-секин бир меъёрга тушади. Янги туғилган болалар доимо бурни орқали нафас оладилар, уларни нафас олиш частотаси юқори, бир дақиқада 30-70 марта, ўртача 40 марта, катталарда 12-18 марта. Нафас ҳажми 17 мл атрофида, катталарда эса 400-500 мл ни ташкил қилади. Янги туғилган боланинг ўтказувчи йўллари тор бўлиб, ўпкаси учун эса кўкрак бўшлиғини юқори чўзилувчанлиги пайтида паст чўзилувчанлик ҳосил. Янги туғилган бола ўпкасининг ҳаётий ҳажми қичқирган пайтда чиқариладиган ҳаво ҳажми билан баҳоланади ва у 120-150 мл ташкил қилади (катталарда 3000-5000 мл).

Вакт бирлигида ўпкадан ўтаётган ҳаво миқдори ўпка вентилиацияси - нафас олишнинг чуқурлигига ва тезлигига боғлиқ. Ташқи нафаснинг бу 2 кўрсаткичи: анча кенг доирада ўзгариб туради. Тинч ҳолатда катта ёшли одамда 500 мл га яқин ҳавони нафасга олади ва чиқаради. Ҳавонинг бу ҳажми нафас ҳавоси деб аталади. Одатдагича нафас олингандан кейин яна қўшимча равишда анчагина ҳаво олиниши мумкин. Бу ҳажм нафас олишнинг қўшимча ҳажми дейилади ва 2000-2500 мл ни ташкил қилади.

